Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 19-aprel, shanba № 49 (3398)

Биз амалга оширган буюк ишларнинг энг муҳим аҳамияти ва моҳияти — ўзбек халқи ўз куч-қудрати, қурби ва нималарга қодир эканининг амалдаги намоёнидадир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 18 апрел

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига ва шу йил 17 январда республика Ҳукуматининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини амалга оширишни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини, бунинг учун, энг аввало, инвестиция иқлими ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига мавжуд захиралар ва имкониятлани сафарбар қилишни таъминлайдиган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялашнинг қабул қилинган стратегиясини амалга ошириш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини янада ошириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида муаммолар ва хавф-хатар мавжудлигига қарамай, 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини изчил ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашни янада чуқурлаштириш таъминланаётганлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш 11,8 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Саноат тармоқларини ривожлантириш устуворликларини амалга ошириш, шунингдек, ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардошли маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар билан янада тўлиқроқ тўлдириш чора-тадбирлари истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 9,1 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол маҳсулотлари улуши 2013 йилнинг биринчи чорагидаги 29,5 фоиз ўрнига 34,4 фоизгача кўпайди.

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ўсиб келаётган авлодни вояга етказиш бўйича «Соғлом бола йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобига қарийб 1 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Мажлиснинг кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида «бизнес билан шуғуллан» тамойили бўйича ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишга, ушбу мақсадларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадаллаштиришга, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш қўламларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 7,3 мингта янги субъектларини ташкил этишга кўмаклашганлиги қайд этилди. Ҳисоботларни алоқанинг электрон йўллари бўйича топширишнинг юзма-юз алоқасиз шаклларини фаол жорий этиш натижасида бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95 фоизини, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топширмоқда. Божхона юк декларацияларининг 95 фоизга яқини электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган Фармонида назарда тутилган қўшимча дастурий чора-тадбирларни амалда бажариш, шу жумладан, янги имтиёзлар ва преференцияларнинг кенг доираси, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-таомилларнинг муддатларини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида навбатдаги муҳим босқич бўлиши алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада).

Бунёдкорлик

Қорақалпоғистон Республикасини 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

НУКУС ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Хусусан, Нукус шаҳридан ўтган «Дўстлик» каналининг қирғоқлари бетонлаштирилиб, икки соҳилида ижтимоий-маданий иншоотларни ўз ичига олган дам олиш масканлари барпо этилаётир.

— Канални қазиш ишлари сув кам бўлган қиш мавсумида амалга оширилди, — дейди «Кегейлидавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси участка бошлиғи Талғат Болтаев. — Айни кунларда хизмат кўрсатиш ва бошқа объектларни қуриш, қирғоқ чети йўлакларига плиталар ётқизиш ишлари давом эттирилмоқда.

Дастурга мувофиқ, шаҳардаги Қорақалпоғистон шоҳкўчасида 36 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар жой биноси қад ростламоқда. Шу кунларда мазкур иморатнинг тўртинчи қавати тикланаётир.

Қурилиш-монтаж ишлари жадал давом этаётган ушбу объект Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Қарор ва ижро

Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида тизимда амалга оширилаётган ишлар юзасидан анжуман ўтказилди. Унда вазирлик мутасаддилари, яратилаётган дарсликлар муаллифлари, устоз ва мураббийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тил билган — эл билади

Анжуманда Юртбошимизнинг мазкур қарори эълон қилингандан сўнг соҳада кенг кўламли ислоҳотлар бошлаб юборилганлиги таъкидланди. Жумладан, халқаро экспертлар билан ҳамкорликда узлуксиз таълим тизими учун умумевропа талабларига (CEFR) асосланиб, чет тилларидан янги давлат таълим стандартлари ва бошланғич синфларда (1-4 синф) ҳафтасига икки соат чет тилини ўқитишни назарда тутувчи янги ўқув режаси ишлаб чиқилди. 1-синфдан чет тили фани ўқитиш йўлга қўйилди.

Ўтган ўқув йилида ташкил этилган 144 соатлик малака ошириш курсида республиканинг барча ҳудудларидан саралаб олинган 243 нафар чет тили мураббий-ўқитувчиси ёрдамида 25 310 нафар ўқитувчи малака оширди. Янгидан яратилаётган 2-синф дарслик мажмуасидан фойдаланишга қаратилган 36 соатлик малака ошириш курслари ташкил этилаяпти.

2014-2015 ўқув йилида республика бўйича 26 344 нафар чет тили ўқитувчиси фаолият юритади. Жорий ўқув йилида 1464 нафар олий маълумотли ёш педагог умумтаълим мактабларига чет тили фани ўқитувчиси сифатида қабул қилинган бўлса, олий таълим муассасаларининг ушбу таълим йўналишига 262 нафар ёшлар қўшимча равишда тўлов-контракт асосида ўқишга имтиёзли қабул қилинди.

Чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашни (қўшимча жиҳозлашни) жадаллаштириш дастури доирасида шу кунга қадар 2457 та бошланғич синфлар жиҳозланган бўлса, 2016 йилга келиб уларнинг сонини 17 222 тага етказиш режалаштирилган.

Умумтаълим мактабларининг 1-синфлари учун яратилган 537 786 нусха чет тили дарслик мажмуасига қўшимча равишда ўқитувчилар ва ота-оналар учун ўзбек тилида 446 084 нусха ҳамда рус тилида 59 974 нусха қўлланма чоп этилиб, ўқув йили бошида 1-синф ўқувчиларига фойдаланиш учун «Президент совғаси» сифатида тақдим этилди. Шунингдек, 2014-2015 ўқув йилида 2-синф ўқувчилари учун 588 957 та ҳамда уларга дарс берадиган чет тили ўқитувчилари учун дарслик мажмуалари чоп этилади ва фойдаланиш учун бепул тақдим этилади.

Шу ўринда айтиш керакки, 2014 йилнинг 13 январидан 20 мартига қадар 2-синфлар учун чет тилларидан яратилган дарслик мажмуалари инглиз тилидан 80 та, немис тилидан 28 та ва француз тилидан 28 та таянч мактабларда тажриба-синовдан ўтказилди. Инглиз тили дарслик мажмуалари Буюк британиялик эксперт Венди Арнолд хоним томонидан такомиллаштирилди.

Чет тили бўйича таянч мактабларда олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг тажрибали мутахассислари, мураббий-ўқитувчилар иштирокида «Маҳорат мактаблари» фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳар бир туман(шаҳар)да битта умумтаълим мактаби базасида тажриба-синов сифатида чет тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилди. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари, чет тилларни мактабдан ташқари вақтда ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида умумтаълим мактабларида ва «Баркамол авлод» болалар марказларида тўгарак машғулотларини ташкил этиш юзасидан методик тавсия ишлаб чиқилди ва бошланғич синфларда ҳафтасига 2 соатдан чет тили тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди.

Анжуманда дарсликлар муаллифлари С.Хан ва Л.Жўраев уларни яратиш жараёнида халқаро тажрибани ўрганган ҳолда миллийликдан келиб чиқиб иш олиб борилганини алоҳида таъкидлашди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.

Суратда: *Юнусобод туманидаги 260-мактабда.*

ЎзА фотомухбири Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган сурат

«Касаба-тур — 2014»

Чирчиқ шаҳрида Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Касаба-тур» веломарафони ўтказилди.

Спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда икки юз нафардан зиёд ҳаваскор велоспортчи қатнашди.

ҒОЛИБЛАР РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА

Дастлаб 20-35 ёшли иштирокчилар 10 км.лик, сўнгра 35 ёшдан юқори қатнашчилар 5 км.лик масофада ўз имкониятларини синаб кўрдилар.

Қизғин кечган пойгаларнинг эркаклар баҳси А.Сарқулов ва Е.Киршин маррага биринчи бўлиб келишлари билан якун топди. Шу ёш тоифалари бўйича аёллар беллашувида Д.Аллаёрова ҳамда О.Абдураҳмонова ғолибликни қўлга киритди.

Фурсатдан фойдаланиб, баъзи иштирокчиларнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Юртимизда спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Нафақат ихтисослашган мактаб ёки коллежларда, балки ҳар бир меҳнат жамоасида турли спорт тадбирларининг мунтазам ташкил этилиши ходимларнинг соғлом ҳаёт кечиришига замин яратмоқда, — дейди эркаклар ўртасида шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилган А. Сарқулов. — Кейинги пайтларда касаба уюшмалари томонидан кўплаб мусобақалар уюштирилаётгани анага эришишимда қўл келди, деб ўйлайман. Кези келганда шуни айтишни истардимки, спортнинг бирор-бир тури билан мунтазам машғул бўлиш барчага, айниқса, ёш авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган биз каби аёллар учун ўта фойдали эканлигини эслатиб ўтмоқчиман.

Шунингдек, номинациялар ғолибларига ҳам совғалар улашилди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Юртимизда велоспорт кейинги йилларда жадал ривожланиб, ташкилот, муассаса ва корхоналарда ҳам оммавийлик касб этмоқда.

АНДИЖОНДА ВЕЛОСПОРТ БАЙРАМИ

Андижон шаҳрининг «Баркамол авлод» ўйингоҳида Соғлом бола йилига бағишлаб ўтказилган «Касаба-тур — 2014» веломарафонида иштирокчиларнинг ёши ва сонини кўриб, велоспортнинг кенг оммалашаётганига гувоҳ бўлдик. 10-14 ёшли болалардан тортиб, 50-70 ёшлардаги эркак ва аёлларгача ўз иқтидорини намойиш этиш иштиёқида.

— 120 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда тўрт босқичли марафон ўтказилиб, мусобақаларда вилоятимиздан 2 минг нафардан зиёд велоспорт ишқибози иштирок этди, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Феруза Курбонова. — Мақсадимиз — корхона ва ташкилотларда велоспортни кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш. Шунингдек, спорт орқали уларга кўтаринки кайфият улашиб, меҳнат фаолиятида самарадорликни ошириш кўзда тутилди.

Мусобақа олдидан санъаткорлар иштирокидаги концерт томошаси велоҳаваскорларга кўтаринки кайфият улашди.

— 10 ёшимдан бери велосипед ҳайдайман, — дейди Қўрғонтепа туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Тоҳиржон Қосимов. — Ўйлаб кўрсам, соғлом юришимда «темир дўстим»нинг ҳиссаси беқиёс экан. Чунки ишга ёки бошқа бирор ерга бормоқчи бўлсам, велосипедда йўлга тушаман. Шу боис тажрибам устунлик қилдими, туман босқичидан ўтиб, ушбу мусобақада қатнашяпман.

Икки ёш тоифасида (20-35, 35 дан юқори ёшда) ўтказилган баҳсларда аёллар ўртасида М. Шокирова ҳамда А. Аҳмедова маррага биринчи бўлиб етиб келди. Эркаклар марафонида Н.Мирзаолимов ва Т. Турсунов энг чаққон пойгачи эканликларини исботлашди.

Шунингдек, «Энг ёши улуғ пойгачи» (Н.Имомова, Ш.Тошматов), «Энг маҳоратли пойгачи аёл» (О.Эргашева), «Энг ёш пойгачи» (С.Аҳмаджонова), «Велоспортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» (Т. Абидов) номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Фаоллар ён дафтарига

Касаба уюшмалари — ташаббускор куч

Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши, шунингдек, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги «Оқтош» санаторийси, «Оқтош — Шабода» дам олиш маскани ҳамда «Турон» санаторийсида барпо этилган оилавий коттежларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

24 апрел.

«Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши: Ўзбекистон тажрибаси ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар» мавзусида халқаро конференция ўтказилади.

28 апрел.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан «Ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишида ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш» мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилади.

29 апрел.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликлари учун «Жамоа келишувлари ва шартномаларининг аҳамияти тўғрисида» мавзусидаги матбуот анжумани ўтказилади.

Ishonch
2014-yil 19-aprel № 49 (3398)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу муносабат билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни янада такомиллаштириш бўйича мамлакат Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон Қарори талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир аниқ вазифалар қўйилди. Лицензия ва рухсат бериш тартиб-тамойилларининг электрон шакларига ўтишни жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг сонини ва ҳужжатларни бериш муддатларини қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни амалга ошириш юзасидан протокол топшириқлари бажарилишининг ҳолати пухта таҳлил қилинди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 12,4 фоизга ўсди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар таркибидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 23,3 фоизгача кўпайди. 510 та янги объект фойдаланишга топширилди, 37 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестиция фаоллигининг ўсиши қурилиш-пудрат ишлари ҳажмлари 15,5 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, объектларни белгиланган муддатларда ишга тушириш бўйича инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлайдиган комплекс қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига фойдаланилмаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш майдонларида янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва тадбиркорлик субъектларига бериш учун уларни пухта хатловдан ўтказишни таъминлаш топширилди. Шу билан бирга, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган «йўл хариталари»ни амалга ошириш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш топширилди.

Мажлисда маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, тузилмасини ва сотиш бозорларини диверсификациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга қаттиқ эътибор берилди. Жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигига қарамай, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ташқи сотиш бозорларини диверсификациялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида экспорт ҳажмлари 8,4 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, мажлис қатнашчилари олдига маҳсулотлар экспорти турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш учун комплекс амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Мажлисда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини жадал ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни сифатли ва ўз вақтида қуришни таъминлаш дастурлари бажарилиши ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 63,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Замонавий технологиялар бўйича кенг полосали 150 километр тола-оптик тармоқлар ётқизилди.

Мажлис қатнашчиларининг эътибори жорий йилда қишлоқ турар жой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 11 мингта янги шинам уйларни қуриш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш ишларини жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига республика минтақаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида қурилиш ишларининг ўсиб бораётган ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда 2014 йилда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган 20 та кучли ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, шунингдек, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида жорий йилнинг бошидан бошлаб 227,9 мингта янги иш ўринлари, улардан 137 мингтаси ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги қайд этилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш мобайнида тасдиқланган мақсадли параметрларга мувофиқ янги иш ўринларини ташкил этиш ва ҳисобга олиш ишларини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйган бир қанча туманлар ва шаҳарлар раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Барча даражалардаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлиси кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

Танлов

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, ЎзА, Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, касб маҳорати ва билим даражасини ошириш, уларнинг касбий алоқаларини мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашувини ривожлантириш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини эълон қилган эди. Навоий тоғ-металлургия комбинати касаба уюшмаси қўмитаси ва маъмурият корхонада танловни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитларни яратди.

САМАРАЛИ ЎТДИ

Жумладан, иқтидорли ёшларни танловга жалб қилиш, тайёргарлик кўришлари учун имкониятлар яратиб бериш мақсадида махсус комиссия тузилиб, цех ва бўлинмалар ёшлари ўртасида танловнинг биринчи босқичи ўтказилди. Комбинат таркибидаги 5 та тиббий-санитар бўлинмалар тақдим этган 24 нафар номзоддан «Энг фаол ёш тиббиёт ходими» номинацияси бўйича Мирзо Наимов, Нозим Жумаев, Бобомурод Эргашев сараланиб, танловнинг кейинги босқичида иштирок этадиган бўлди.

Шу ўринда Навоий ТМК таркибида 19 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Қувонарлиси, фарзандларимизнинг замон талабларига мос таълим-тарбия олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар билан таъминланган муассасалар ходимларининг аксарияти ёшлардан иборат. Улар 4,5 мингга яқин болалар тарбияси билан шуғулланмоқда. Ушбу муассасалар танловнинг «Энг фаол ёш тарбиячи» номинациясида иштирок этиш учун тақдим қилган 17 нафар номзоддан 3 нафари — Азиза Ғофурова, Феруза Раҳимова, Нафиса Исматова ҳам навбатдаги босқичда қатнашиш имкониятини қўлга киритишди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Етакчи минбари

Туман кенгаши таркибида 145 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, 15 минг нафарга яқин педагог-ходим ва ўқувчилар қамраб олинган. Кенгаш томонидан барча бошланғич ташкилотлар касаба уюшмалари Федерация Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган низомлар, ўнлаб услубий қўлланма ва йўриқномалар, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаб келинмоқда.

Мақсад аниқ

Туман халқ таълим бўлими билан таълим муассасаларида меҳнат қонунчилигига қатъий амал қилинишини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, қўшма қарор имзоланди.

Ўтган йили касаба уюшмаси туман кенгашига педагог-ходимлардан 55 та оғзаки, 12 та ёзма мурожаат келиб тушди. Аризалар ўрганилиб, уч нафар ходим ўз ишига тикланди, бир ходим иш билан таъминланди, икки нафар ходимга касаллик варақаси учун нафақа тўлаб берилган бўлса, тўрт ўқитувчига малака тоифалари бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Аммо ишларимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ташкилотларда ходимлар бўйича чиқарилаётган буйруқларнинг кўпчилиги меҳнат қонунлари талабига тўлиқ жавоб бермайди. Аксарият муассасаларда ходимларнинг меҳнат таътилига чиқиш жадвали ишлаб чиқилмаган. Меҳнат низолари ва ижтимоий суғурта комиссиялари тузилмаган. Кўпчилик таълим муассасаларида ариза ва шикоятлар билан келадиган фуқароларни қабул қилиш бўйича қабул кунлари жадвали мавжуд эмас, бевосита масъул шахслар тайинланмаган.

Ўтган йилларда касаба уюшма тизимини такомиллаштириш ва оптималлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар, албатта, аввало, касаба уюшма ташкилотларининг янада самарали фаолият кўрсатиши, тармоқ тизимида меҳнат қилаётган аъзолар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган. Касаба уюшмаларининг жорий йилги устувор йўналишларида ҳам шу жиҳатлар акс этиб турибди.

Соғлом бола йилида мазкур йўналишлар доирасида кенг қамровли режа ва дастурларни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Март ойида мактаб ўқувчилари ўртасида волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, шахмат, шашка спорт турлари бўйича мусобақалар ҳамда махсус касб-ҳунар таълими муассасалари педагоглари ўртасида спартакиада ўтказилди.

Жорий йилда туман кенгаши ҳам, қуйи ташкилотлар ҳам эътиборни ўз фаолиятини тубдан яхшилашга, ходимлар ишончини чуқурроқ қозонишга қаратади.

Алишер ХОННАЗАРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ туман кенгаши раиси

Иқтидор эгалари

Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг жорий йил 20 мартда «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» танловини ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган эди.

Шунга мувофиқ, Наманган вилоятидаги 108 та касб-ҳунар коллежи ва 10 та академик лицейда «Йилнинг энг ёш фаол ўқитувчиси» кўрик-танловлари ташкил этилмоқда.

Танлов низомига мувофиқ танловнинг 1-босқичи касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда ишлаётган 30 ёшгача бўлган ходимлар ўртасида бўлиб ўтаяпти. Жумладан, Учқўрғон туманидаги Иқтисодиёт коллежида 5 нафар илғор ёш ўқитувчи иштирокида ўтказилган танловда молия фани ўқитувчиси Асила Турсунова ғолибликни қўлга киритиб, туман босқичига йўл олди.

Ўз мухбиримиз

Сирдарё вилоятида Соғлом бола йили муносабати билан «Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси» танловининг биринчи босқичи юқори савияда ўтказилаяпти.

Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси

Танлов доирасида Гулистон шаҳридаги 20-мактабгача таълим муассасасида 30 ёшгача бўлган ёш тарбиячилар фаолияти ўрганилди. Унда Инобат Жўраева биринчи ўринга муносиб кўрилди. Наргиза Усмонова ва Феруза Султонова иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

Таҳлил – муваффақият гарови

Меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шериклик тамойиллари асос ҳисобланади.

Обод турмуш йили муносабати билан жамоа шартномаларига киритилган қўшимчалар ходимларни соғломлаштириш ҳамда кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилаларни, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳар жиҳатдан мазмунан тўлдиради.

Жумладан, 55 нафар кам таъминланган ёш оилалар вакилларига, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар 15 нафар ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат секторида меҳнат қилаётган 10 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш жорий этилди. Тармоқ корхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 20 нафар фарзанди учун дарслик, ўқув қуроллари харид қилишда кўмаклашилди.

Бундан ташқари, 53 нафар ходим сиҳатгоҳларда соғлигини тиклади. Косонсой туманидаги «Олмазор» болалар оромгоҳида меҳнаткашларнинг 150 нафардан зиёд фарзанди дам олдирилди. Бу борада, айниқса, «Намангандонмаҳсулот» АЖ, «Нестле-Ўзбекистон» МЧЖ ҚК, вилоят насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси, Шимолий Фарғона канали, Катта Наманган канали ва бошқа кўплаб ташкилотларда хайрли ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунгача аксарият бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ўтказилган йиғилишларда жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятлар бажарилгани таъкидланиб, Соғлом бола йили муносабати билан қўшимчалар киритилмоқда. Жамоа шартномалари бажарилишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2012 йилда жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга 655 минг сўм сарфланган бўлса, ўтган йил якуни бўйича бу кўрсаткич ўртача 700 минг сўмни ташкил этди.

Наманган шаҳар кенгаши ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари қабул қилинган жамоа шартномаларидаги ҳар бир банднинг тўлиқ бажарилишига эришиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланаётир.

Зулхумор ҲОЖИМАТОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Бошланғичлар фаолиятидан

Она диёримиз, туғилиб ўсган воҳамиз, маҳалламизни обод масканга айлантириш барчамизнинг бурчимиз. Зеро, яшнаб турган боғ-роғлар туфайли кейинги авлодга ҳар биримиздан яхши ном қолади.

Вилоят Марказий Давлат ўрмон хўжалигида бугунги кунда 95 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Улар хўжаликнинг Нурота, Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор туман бўлимларига бириккан ҳолда фаолият олиб боришади. Аъзолар саъй-ҳаракати ўлароқ, ҳар йили поёнсиз кенгликларда ўнлаб боғ-роғлар, яшил хиёбонлар барпо этилади. Қизилқум кенгликларидаги 1590 гектар майдонга ўзимизда етиштирилган саксовул кўчатлари қадаб чиқилди. Вилоятни кесиб ўтувчи Зарафшон дарёси қирғоқ ҳимоя зонасида 6 гектарлик теракзор, 8 гектарлик бодомзор, 3 гектарлик олмазор, 1 гектарлик қаролизор, шунингдек, шафтолизор, ўрикзор ва олчазорлар барпо қилишга эришилди.

Кенгликларда кўклам шукуҳи

Барча ниҳоллар ўз кўчатхонамизда етиштирилган бўлиб, серҳосиллиги билан ажралиб туради. Чўл ҳудудидаги 400 гектар майдонга эса саксовул уруғидан қадаб чиқдик.

Вилоятнинг яқин ва олис ҳудудларида кўкаламзорлаштириш ишларини маромида жонлантириш учун кенг кўламдаги сафарбарлик талаб этилади. Шу боис хўжалигимиз томонидан етиштирилган игна баргли ҳамда манзарали дарахт кўчатлари 23 ташкилот орқали шартнома асосида жойларга етказиб берилаётир. Япон сафораси ва каштан дарахти кўчатлари ҳам кўп миқдорда етиштирилиб, шаҳар ва туманлар ободонлаштириш бўлимлари орқали тарқатилаётир. Кези келганда, бошқа ҳудудларда етиштирилаётган лола дарахти, крим қарағай ниҳолларини ўзимизда парваришлашни йўлга қўйганлигимизни ҳам айтишни истардим.

Яна бир нарсани таъкидлашим лозим. Маъмурият ва касаба уюшмалари ўртасидаги жамоа шартномаси ишларимизнинг бароридан келишига замин яратмоқда. Хўжалик бош директори Шариф Хўжақулов бошланғич қўмита учун барча зарур шароитни яратиб бермоқда.

Хўжалигимиз қошида 906 бош майда шохли моллар парваришланаяпти. 76 оила асаларичилик билан шуғулланмоқда. Ўзимизда етиштирилаётган маҳсулотларни ишчи ва ходимларга арзон нархда етказиб беряпмиз.

Бердибек ЕСИНБАЕВ,
Навоий Марказий Давлат ўрмон хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси

Меҳнат муҳофазаси ойлиги

Корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳар йили 28 апрел — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни кенг нишонланади. Жорий йил 17 мартда бирлашма раёсати қарори билан 1 апрелдан 30 апрелгача вилоят касаба уюшма ташкилотларида «Меҳнат муҳофазаси ойлиги» деб эълон қилинди.

Хавфсиз ва қулай

Ойлик давомида иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан меҳнаткашларга соғлом, хавфсиз меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, иш жараёнида жароҳатланиш ва касб касалликларига чалинишнинг олдини олиш, бу борада жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, меҳнат ногиронлари ва боқувчисини йўқотган оилалар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш йўналишида иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ойликни фаол ўтказиш мақсадида тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари ҳамкорлигида ҳар бир тармоқдан 2 тадан бошланғич ташкилотда меҳнат муҳофазаси бўйича семинар ва кўргазмали тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари тизимини шакллантиришга қаратилган комплекс чораларни қўллаш бўйича иш берувчиларга талаб ва таклифлар киритиляпти.

Вилоят корхона, ташкилот ва муассасаларида жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича бошланғич касаба уюшма органларига яқиндан ёрдам берилаётир. Нодавлат секторда меҳнат қилаётган ходимлар, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароити яратилишида касаба уюшма ташкилотлари роли кучайтирилмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жамоаларида меҳнат муҳофазаси бўйича стендлар, бурчаклар ташкил қилиш, ходимларни ўқитишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам ижобий самарасини беряпти.

Ҳайитбек БАРНОЕВ,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Оталиқдаги соҳа

Яхши ниятлар билан

Охирги йилларда воҳамизда етиштирилган пиллани хом ашё сифатида эмас, балки қайта ишлаб, тайёр ипак ип ҳолатида сотиш йўлга қўйилиб, даромад икки баравар кўпайди. Термиз шаҳрининг ўзида иккита қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатаётгани боис рақобат кучайиб, пилланинг қорапўчоқ, ғумбак ва бошқа чиқиндиларидан ҳам фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Ипак қуртидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш озуқа захирасининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятининг барча фермер ва тутчилик хўжаликлари тасарруфида 7 млн. 617 минг туп баланд танали тут дарахти, 3434 гектар тутзор бўлиб, парвариши тўғри ташкил қилинса, мавсум давомида барг тақчиллиги сезилмайди. Бундан ташқари, ўтган йил воҳада интенсив усулда янги тутзорлар барпо этилганди. Бу иш асосан вилоят «Пахтасаноат» ХАБ мутахассислари зиммасига юклатилиб, қатор туманлардаги пахта қабул қилиш масканларида 5 гектардан, жами 100 гектар майдонга Хитойдан 1 млн. 234 минг туп тут ниҳоли келтириб ўтқазилганди. Ниҳоллар яхши ривожланиб, айримларининг бўйи бир-бир ярим метргача етди.

— Афсуски, шу йилнинг феврал ойидаги қаттиқ совуқ ёш тутзорларга таъсирини ўтказмай қолмади, — дейди кекса пиллакор, вилоятда пиллачиликни ривожлантириш бўйича ташкил этилган гуруҳ раҳбари Саъдулла Хидаев. — Шунинг учун ниҳолларнинг совуқ урган қисмини кесиб ташлаб, тезкорлик билан остини пойбеллаб, маъданли ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириб суғориш лозим бўлади. Шундай қилинса, ҳеч бўлмаганда 80 фоизи қайта кўкаради. Бундан ташқари, баланд танали тутлар ва тутзорларни ҳам озиқлантириб, зудлик билан суғоришни ташкил қилиш керак. Шундагина 26,4 минг қути ипак қуртини намунали парваришлаш жараёнида барг етишмовчилиги сезилмайди.

Айтиш керакки, воҳада пиллачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган вилоят «Пахтасаноат» ХАБ жамоаси ўтган йилги мавсумда ҳар бирида 60 қутидан ипак қурти боқишга мўлжалланган 20 та пиллахона барпо этганди. Бу йилги мавсумда яна шундай 20 та иншоот қурилаяпти. Демак, бу мавсумда пиллани қайта ишловчилар 40 та пиллахонада 2400 қути ипак қурти боқиш билан машғул бўлишади ва 144 тонна «кумуш тола» етиштирадилар.

— Пиллани қайта ишлаш корхоналари эса ипак қурти уруғини жонлантирадиган 212 та инкубаторни мавсумга тайёрлашмоқда — дейди Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шайдулла Ибрагимов. — Ҳозирча мосламаларнинг 100 таси таъмирланиб, жиҳозланди ва 617 нафар мутахассис билан шартнома тузилди. Бундан ташқари, ипак қурти боқувчи оилавий звеноларнинг ишга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида қатор таъсирчан чоралар кўрилаяпти.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

От — йигитнинг қаноти

Бахт келтирар тулпорлар

От ҳақида фикр юритар экансиз, кўз олдингизда достонлардаги Бойчибор, Гиркўк каби тулпорлар намоён бўлади. Отлар меҳрли ҳайвон бўлиб, йиқилган кишини босмайди. Инсон билан тез иноқлашиб кетади.

Китоб тумани Қайнар қишлоғидан чиққан (Шаҳрисабзда «бахши» сўзи ишлатилмайди) Абдулла шоир 1937 йилда Москвада ўтказилган «Ўзбек адабиёти ва санъати» декадасида дўмбирасини сайратиб, «Қорабайир» термасини айтган ва биринчи даражали диплом билан тақдирланган экан. Ўша термани патефонда эшитганим бор:

Баданларинг қимирлата қизларга ноз эт,
Йўрғалагин бир текис, қадаминг соз эт.
Сен мени меҳрибоним,
Вой бедовим жонимов!..

Отларнинг жанговар, улоқчи, юк ташувчи, спортчи, гўшт учун боқиладиган турлари бор. Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Яккабоғ туманларидаги отлар араби авлодига мансуб бўлиб, Қорабайир, Гиркўк, Бойчибор, Саман, Жийрон, Бўз от каби лақаблар билан номланади. Зеро, ўз даврида отлиқ аскарлар бобомиз Амир Темур лашкарининг таянч қисми вазифасини ўтаган.

Отлар уч-уч ярим ёшида насл беради. Тойчоқ онасини олти-саккиз ойгача эмиши керак. Отлар эгасининг парваришига қараб 25-30 йилгача умр кўради. Хонакилаштирилганлари яйловларда уюр ҳолида боқилади. Отлар қиш совуғига бардошли, совқотмаслиги учун қисинишиб, айлана тўда бўлиб юришади. Бўрилар тўдасининг уларга ҳужум қилишга юраги бетламайди.

— Бизнинг Шаҳрисабзда Қорабайир отига нисбатан қизиқиш катта бўлган, — дейди чавандоз Йўлдош Набиев. — Чунки Қорабайир отлар тез чопади, улоқда эса улоқ ётган жойга илдам етиб олишга ҳаракат қилади. Чавандознинг қўли улоққа теккач, ўзини олдинга отади. Рўпарадан чиққан чакагир (четдан юлиб олиб қочувчи)ни кўргач, хавфсиз томонга бурилиб кетади. Чавандоз қамчини тишлаб, «ҳим» деса бас, тезликни ошириб, рақибдан узоқлашади. Атрофдан «Ҳалол!» деган сўз эшитилиши билан отнинг ўзи тезликни пасайтиради.

От йилини тўрт мучал, қирқ саккиз йилдан бери кузатиб келаман. Бу йиллар серёғин бўлиб, қиш қаттиқ келишининг гувоҳи бўлдим. Баҳорда ўт-ўлан гуркираб ўсиб, деҳқончиликка барака беради. Боғдорчилик, мева-чева мўл бўлади. От йили фаровонлик йилидир. Чунки, у эгасига яратгандан қут-барака ато этишни сўрагувчидир.

Агар одам тушида отга минса мансаб, от сотиб олса давлат топади, дейди улуғларимиз.

— Умрингдан уч кун қолган бўлса, ниҳол эк! Бир кун қолган бўлса, от олиб мин, деган ота-боболаримизнинг нақли бор, — дейди Аброй полвон.

— Кимки от боқса, ўша оилагагина эмас, балки бутун қишлоққа барака ёғади, — дейди Жалолбобо Рўзиев.

— От сути, — дея оппоқ соқолларини силайди Равшан ҳожи Пирназаров, — юрак-қон томир касалликларининг шифоси эканлиги ҳаммага маълум.

Қодир Ислом бобо деган раис бўларди. 30 йил эл сўраган. У кишининг оқ оти бор эди. Қайси далада дам олмасин, оти қанча бўлса, шунча тик турар, умуман боғланмасди.

Биз яшаб турган Темирчи қишлоғи қадимдан отларга тақа қоқиши билан машҳур бўлган. Уста Худойберди, уста Очил, уста Жўра, уста Нажим, уста Қодир, уста Пирим, уста Олим, уста Турсун кабилар Амир Темур, Муқанна, Алишер Навоий каби буюк инсонлар отига тақа қоққан дейишади.

Отга ишқибозлик биз, ўзбекларнинг қонимизда бор. Энг яхши от, яхши чавандоз бир мавсумда 60-70 тагача улоқ олганлигини дўстимиз Жалол ва Абдуманнон завқланиб гапиришади.

Ниятимиз — от йили тўкинчилик, тинчлик, бахт-омад йили бўлиб хотирамизда қолсин.

Абдураҳим АБДУСАМАД,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-декабрдаги 343-сонли қарорига асосан, Сурхондарё вилоят Давлат Ветеринария бошқармасининг 16.04.2014 йилги № 01-27/99-сонли хати ва Шеробод туман давлат ветеринария бўлимининг № 17-Т-сонли буйруғига асосан Шеробод туман давлат ветеринария бўлими балансида бўлган, Шеробод туман Охунбобоев маҳалласи С.Абдуқаҳҳор кўчаси 3-уй манзилида сақланаётган, Газ 52 04 русумли, д/р 19 АА 892 бўлган, 1987 й и/ч таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. **Б/ б 444 793 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 20 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 20 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 27 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 20 май учун 2014 йил 16 май ва 2014 йил 27 май куни учун 2014 йил 23 май куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

Хизматлар лицензияланган.

Жабҳа

Балиқчиликнинг кенгайиши

иқтисодиёт ривожига хизмат қилади

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш республикамиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масаладир. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда балиқчилик алоҳида ўрин тутади. Буни кейинги пайтда балиқчилик хўжаликлари тобора кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда ўтган йили 38,2 минг тонна балиқ халқимиз дастурхонига етказилди. Шундан 25 минг тоннаси сунъий ва 13,2 минг тоннаси табиий сув ҳавзаларидан овланди.

— Туманимизда бугунги кунда 16 та хўжалик юритувчи субъект балиқчилик билан шуғулланаяпти ва улар томонидан 2013 йилда 305 тонна балиқ етиштирилди, — дейди Янгийўл туман ДСИ бўлим бошлиғи Шерали Умаров. — Биз уларга янги сунъий сув ҳавзаларини ташкил этиш учун қўшимча ер майдонлари ва имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши, хўжаликларнинг минерал ўғитлар, юқори оқсилли гранулаланган омухта емга бўлган эҳтиёжларини қондириш, солиқ қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар беришда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келаяпмиз. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «2013 йилда Республикада балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлар дастури»да белгиланган янги лойиҳаларга кўра, туманимизда бутлур учта балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Бу эса ўз ўрнида янги иш ўринлари яратилишига замин яратаяпти.

Балиқчилик соҳасида амалга оширилган ишлар билан танишиш мақсадида тумандаги «Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказининг Минтақавий балиқ питомниги» шўъба корхонасида бўлдик.

— Минтақавий балиқ питомнигининг асосий фаолияти балиқчиликни ривожлантириш ва балиқчилик хўжаликларини балиқ личинкалари билан таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳисобланади, — дейди корхона директори ўринбосари Темур Саидов.

— Хусусан, 2013 йилда 55 млн. личинка олиниб, шартнома асосида Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё каби қатор вилоятлардаги фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Айтиш жоизки, юртимизда «Минтақавий балиқ питомниги» шўъба корхонаси балиқчиликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот институтининг барча амалий ва инновацион лойиҳалари базасида 24 та интенсив ҳавза барпо этилди. Бу ҳавзаларда ҳозирги вақтда Россиядан келтирилган осетр (Asipenzer baeri) ва Малайзиядан келтирилган —пангасиус (Pangasius bocourti), шунингдек, лаққа балиқнинг тез катта бўлувчи икки тури (Silurus glanis linnaeus ва Clarias gariepinus burchell) ассимляциядан ўтмоқда.

— Балиқ питомнигимизда «Амур-Техно» ва «Вейса» инкубацион қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди Темур Саидов. — Бу, ўз навбатида, карп ва ўтхўр балиқлар личинкаси ҳажмини кўпайтириш имконини беради. Олиб бораётган ишларимиз балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш ва дастурхонимизни балиқ билан бойитишга хизмат қилади, албатта.

— Ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, — дейди «Қувватбек файз» фермер хўжалиги раҳбари Ҳусан Есенбаев. — Ушбу жараёнда муносиб иштирок этишга ҳаракат қилаяпмиз. Айни пайтда 24 гектар ерда 5 та сунъий ҳовузимиз бор. Уларда дўнгпешона, карп каби балиқ турларини етиштираяпмиз. Мамлакатимиз иқтисодига, халқнинг турмуш фаровонлигига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Зангиота туман ДСИ бўлим бошлиғи Зиёвуддин Зайниддиновнинг айтишича, туманда балиқ етиштириш билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони 7 тани ташкил этади. Улар томонидан 2013 йилда 472 тонна балиқ овланди. Бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 35 фоиз кўп.

— «2013 йилда Республикада балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлар дастури»да белгиланган янги лойиҳаларга кўра, ўтган йили иккита хўжаликда балиқчилик ташкил этилди. Улар «Сапсан инвест плюс» ва «Туркистон Улуғбек бизнес» масъулияти чекланган жамиятларидир.

Сафаримиз давомида «Эшонхўжаота» фермер хўжалиги фаолияти билан ҳам қизиқдик. «Ҳасанбой» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 7,1 гектардан иборат 5 та сунъий ҳовузда балиқлар етиштирилар экан.

— Ушбу сув ҳавзалари аввал жуда ташландиқ жой эди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Зоир Тожиев. — Уч йилда бу ерда балиқ етиштириш учун қулай шароит яратилди. Дастлаб ҳовузга ташланган балиқ личинкаларидан кўзланган маҳсулот олишнинг иложи бўлмади. Балиқ боқишнинг сир-синоатини билмасангиз қийин экан. 2010 йилга келибгина ишларимиз юришди. Асосан, толстолобик етиштирамиз. Айни пайтда балиқ ташийдиган махсус машинага эҳтиёжимиз бор. Кейинги режамизда ушбу машинани олишни ният қилганмиз.

Балиқчиликни ривожлантириш, сув ҳавзаларида балиқларни кўпайтириш жараёни аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади, албатта.

Ўз мухбиримиз

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«ДАВР БАНК»

инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш йўлида

DAVR-BANK

«Давр банк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки Мирзо Улуғбек филиали инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлида меҳнат қилаётган банклардан бири. Таъкидлаш жоизки, бу ерда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ташаббускор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида сервис соҳасида хизмат кўрсатувчи корхоналар, тадбиркорлик фаолиятини юритаётган ёш оилалар, коллеж битирувчилари ҳамда фермерларни молиявий рағбатлантиришга доир бир қанча ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2013 йил давомида банк томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 5,4 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Натижада, ушбу кредитлар ҳисобига 64 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда ҳам инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит ҳажмини ўтган йилга нисбатан камида 1,3 бараварга ошириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича банк томонидан олиб борилаётган ишларни қуйидаги мижозлар мисолида кўришимиз мумкин.

«Сайрам агро плюс» МЧЖга 47 бош наслдор чорва моллари сотиб олиш учун банк кредити ҳисобидан 200 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилиб, 4 та янги иш ўрни яратилди.

«Био косметикс» МЧЖга шампун ва ювувчи воситалар ишлаб чиқариш учун 60 млн. сўм, **«Баф инвест» МЧЖга** ишлаб чиқариш биноси сотиб олиш учун 150 млн. сўм банк кредит маблағлари ажратилди, натижада, 6 кишининг бандлиги таъминланди.

«Экзим пласт» МЧЖга шпагат ва арқон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун банк кредитлари ҳисобидан 150 млн. сўм ажратилиб, 7 та янги иш ўрни яратилди.

«Афродита апекс» МЧЖга умумий овқатланиш биноси қурилиши ва фаолиятини йўлга қўйиш учун банк кредитлари ҳисобидан 214 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилиб, 6 та иш ўрнига асос солинди.

«Шаркияхон трейд» МЧЖга умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш учун банк кредитлари ҳисобидан 200 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилиб, 8 та иш ўрни яратилди.

«Марҳабо нон» МЧЖга нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун 321 млн. сўм банк кредит маблағлари ажратилди. Ушбу корхонада ҳозирда асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари олиб борилиб, жорий йилда 8 та иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда.

«Супер драйф» МЧЖга такси хизматини йўлга қўйишга 10 та «Спарк» русумли транспорт воситалари сотиб олиш учун 300 млн. сўм банк кредит маблағи ажратилди. Ушбу корхонада ҳозирда транспорт воситаларини расмийлаштириш ишлари якунланиб, жорий йилда 10 та иш ўрни яратилди.

«Нано косметикс» МЧЖга жорий йилда ювувчи воситалар ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун банк кредитлари ҳисобидан 30 млн. сўм ажратилиб, 4 та иш ўрни яратилади.

«Қудрат барака» ХК полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун 120 млн. сўм миқдорида кредит ажратиш лойиҳаси режалаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида 4 та иш ўрни барпо этилади.

«Акташ» ХКга дори воситалари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун 160 млн. сўм миқдорида кредит ажратиш лойиҳаси режалаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида 8 та иш ўрни яратилади.

«Булоқ савдо омад» МЧЖга дон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун 125 млн. сўм миқдорида кредит ажратиш лойиҳаси режалаштирилган. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида 4 та иш ўрнига эга бўлинади.

Шунингдек, жорий йилда банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизматлар ва сервис соҳасини кенгайтириш, касаначиликни ташкил этиш орқали тадбиркор аёллар ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, ёш оилаларни ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга жами 8.5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Натижада, 100 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Банк маълумотлари асосида
«Ishonch» мухбири
Раъно МАҲКАМОВА тайёрлади


ЎзА суратлари

Газета ва ГАЗЕТХОН

Ishonch

2014-yil 19-aprel № 49 (3398)

Боболар меросини ўрганамиз

Аҳмад ТЎРА олган сурат

Бирни кўриб фикр қил...

Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. У адолат йўлини танлаб, ўғриликни йўқ қилиш мақсадида фармон чиқарибди. Бу фармонга кўра, биринчи марта ўғрилик қилган одамнинг бармоқлари, иккинчисида қўли кесилар, учинчи марта ўғирлик билан қўлга тушса дорга осиларкан.

ЎҒИРЛАНГАН ГУЛТУВАК

Шу мамлакатда бир йигит ва унинг қариб қолган онаси яшаркан. Ўғил ўғрилик қилиб кун кўраркан. Шу йигит бармоқлари чопилса ҳам, битта қўли кесиб ташланса ҳам хулоса чиқармабди. Учинчи бор ўғирлик билан қўлга тушганида, уни дор тагига олиб келишибди. Подшоҳ дорга осиладиган жиноятчиларни ўзи сўроқ қилар ва охирги тилагини амалга оширар экан. Ўғри йигитга ҳам бундай имконият берилибди. «Мендан олдин онамнинг тилидан оссангиз» дебди йигит. Подшоҳ йигитнинг қўйган талабига ҳайрон қолибди ва сабабини сўрабди. Йигит шуларни айтиб берибди. «12 ёшимда онам «ўғлим кўчага чиқиб, пул топиб кел», деди. Мени бирор косибгами, деҳқонгами, ҳунармандгами шогирд қилиб бермади, бирон касб-ҳунарга ўргатмади. Ўшанда қорним жуда очлигидан қўшни маҳалладан бир товуқ ўғирлаб келганман. Онам ўша пайтда ўғирлик қилмагин, деб бир шапалоқ уриш ўрнига, қўлимдаги товуқни кўриб, севиниб кетган ва уни пишириб дастурхонга қўйганди. Онамни хурсанд қилиш, қолаверса, қорин тўйғазиш учун эртаси куни яна ўғирлик қилганман ва шу тариқа ўғриликни касб қилиб олганман».

Қиссадан ҳисса шуки, қуш уясида кўрганини қилади.

Мактабда 7-синфда ўқирдим. Айни баҳор палласи эди. Бир куни синфдош қизлар билан дарсдан кейин қолиб синфимизни тозаладик. Бу ерда шкафчалар бўлиб, баъзилари очиқ, баъзилари михлаб ташланган эди. Очиқ шкафларга кийимимизни илиб қўяр эдик. Шкаф камлигидан 5-6 та палтони бир илгичга илардик. Бу албатта ноқулайлик келтириб чиқарарди. Қизлардан бири михланиб турган шкафларни очамиз, деди. Бу гап ҳаммамизга маъқул бўлиб, михланган шкафларни оча бошладик. Охирги шкафни очганимизда, ичидан чиройли гултуваклар чиқди. Қизлар бу гултувакларни ўзларича тақсимлаб сумкаларига солиб қўйишди. Мен ҳам битта гултувакни олдим. Гултувак жуда чиройли, жимжимадор қилиб ишланган ва деворга қоқиб қўйишга мосланган эди. Уйга борган заҳотим уни онамга мақтаниб кўрсатдим. Онам «жуда чиройли экан, қаердан олдинг», деб сўради. Мен бўлган воқеани айтиб бердим. Шунда онам «синфни тозалаганларинг учун гултувакларни ўқитувчингиз сизларга совға қилдими», деб сўради. Мен эса секингина «Уларни олганимизни ўқитувчимиз билмади», дедим. Онам ўшанда жуда хафа бўлди. Эртага гултувакни мактабга олиб борасан ва ўқитувчингдан кечирим сўрайсан, деб тайинлади.

Мен эса «Яхшиси, мактабга олган жойимга ташлаб келаман», дедим. Онам сўзида қаттиқ туриб олди.

Эртаси куни менга жуда оғир бўлган эди. Ўқитувчимизни холи жойда учратиб, гултувакни бериб, йиғлаб юборганман ва кечирим сўраганман. Ўқитувчимиз ўшанда «Онангга раҳматимни етказиб қўй», деган эди.

Бу воқеа менга умрбод сабоқ бўлди. Ҳозир ҳам онажоним насиҳат қилишдан чарчамайди: ҳалол бўлинглар, бировнинг ҳақига хиёнат қилманглар, рўзғорнинг баракаси ҳалолликда, деб уқтиради. Донишмандлардан бири «Ҳаромдан ейилган ризқ фарзандларга ёмон таъсир кўрсатади ва ҳаромхўрликка ўргатади», деган. Қолаверса, ҳаром луқма кўпгина касалликларни келтириб чиқариши ҳам асосланган. Ҳалолликка нима етсин!

Гулора ИСМОИЛОВА,
Урганч шаҳри

Турли касб эгалари

Қаршилик Худойберди Баракаевга новвотпазлик ҳунари бобосидан мерос қолган. Унинг турли кўринишдаги қандолат маҳсулотларини тайёрлаб, кўпдан-кўп доимий мижозлар орттирганига йигирма йилдан ошди. Ўзининг айтишича, новвот тайёрлаш кўп меҳнат ва алоҳида маҳорат талаб этади.

ЮРАККА ҚУВВАТ

— Хона ҳарорати 30-40 даражада бўлса новвот тошмасдан сифатли бўлиб чиқади, — дейди Худойберди бобо. — Қозондан кўтарилаётган буғда новвот ҳосил бўлади ва сиздириб олиниб, яна қайнатилади. Натижада, «Юрак новвоти» ҳосил бўлади.

Бозорларда оқ ва сариқ новвот ҳамиша харидоргир. Новвотни чойга солиб истеъмол қилинса, организмни тетиклаштириб, юрак қон тизими фаолиятини яхшилайди.

Иззат ҲИКМАТОВ

Ажойиб дунё!

Бенжамин Франклин — буюк давлат арбоби, АҚШ мустақиллик Декларациясининг муаллифларидан бири шундай деган эди: «Ҳаётда ўлимдан ва солиқлардан муҳим нарса йўқ». Дарҳақиқат, ҳамма замонларда солиқлар давлат ҳокимиятини таъминлашнинг молиявий воситаси, иқтисодиёт ва ижтимоий эҳтиёжларни тартибга солишнинг асосий механизмлари, ҳар қандай жамият ҳаётининг асосий, ажралмас қисмларидан бири бўлган. Даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, уй-жой солиғи, божхона солиғи ва ҳоказо...

ЭРИНМАГАН ОДАМЛАР

нималарни ўйлаб топишмайди-я!

Аммо тарихда шундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган солиқлар ҳам бўлганки, бугун бу ҳақда эшитган одам ҳайрон қолиши аниқ.

Ҳаёт солиғи. Англияда XIV асрда амал қилинган ушбу солиққа кўра, одам тирик юргани учун давлат ғазнасини тўлдириб туриши шарт бўлган. Аммо бунга қарши кўтарилган катта исён бу аҳмоқона солиққа чек қўйган.

1689 йилда Россия подшоси Пётр I ***соқолларга солиқ*** жорий этади. Фуқароларнинг ҳар бир тоифаси – амалдорлар, савдогарлар, хизматкорлар ўзи тўлайдиган солиқ миқдорига эга бўлган. Бу солиқни тўлаган киши қимматбаҳо соқолини асраб қолиши мумкин эди. Солиқ тўлашга қурби етмаганлар эса сургун қилинган.

Қулоқ солиғи 1920 йилларда Тибетда ҳарбий эҳтиёжларни таъминлаш учун вақтинчалик жорий қилинган эди. Ушбу солиқ тури мавжуд бўлганлиги турли манбаларда айтиб ўтилсада, у ҳақдаги маълумотлар бир-бирига қарама-қарши. Масалан, хитойлик тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, одамнинг ёки уй ҳайвонининг ҳар бир қулоғи учун бир лян кумуш танга тўланган. Уларнинг ғарблик ҳамкасблари эса қулоқ солиғи тўламаган одамларнинг қулоғи кесиб ташланганини қайд этади. Ўз-ўзидан, кесилган қулоқлар учун солиқ тўланмаган.

XVI асрда (баъзи манбаларда XVIII асрда) Германияда ***чумчуқларга солиқ*** солинган. Бу қушлар аҳолининг тинч яшашига халал беради, деб ҳисобланган. Шу сабабдан ҳар бир уй хўжайинидан ўнтадан кўп чумчуқни йўқ қилиш талаб этилган ҳамда бунинг учун уларга 6 крейсер тўланган. Агар фуқаро белгиланган миқдордаги чумчуқни тақдим этмаса, давлатга икки баробар кўпроқ пул тўлаши лозим эди. Бундай солиқ тури ўша даврда ўлик чумчуқларнинг яширин савдоси ривожланишига сабаб бўлган.

XVII–XVIII асрлар давомида Англия ва Шотландия қироллиқларида ***дераза учун*** олинадиган солиқлар ҳаётга татбиқ этилган. Солиқ тўлашга имконияти бўлмаган қашшоқ одамлар дераза тешикларига ғишт теришга мажбур этилган. Бадавлат зодагонлар эса ўз уйларининг ташқи кўринишини бузмаслик учун етишмаётган деразаларни чизиб қўйган. Энг қизиғи, бу солиқ узоқ вақт амалда бўлган ва 1851 йилнинг ёзига келибгина бекор қилинган.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Буюк Британияда давлатга мўмай даромад келтирган ***шляпалар солиғи*** мавжуд бўлган. Сотувга чиқариладиган шляпаларга солиқ тўланганлигидан далолат берувчи махсус белгилар қўйилган. Солиқ тўламаган тикувчиларга катта жарима солинган. Бундай белгиларни сохталаштирганлар эса қатл қилинган.

Қўрқоқлик учун солиқ Англияда қирол Генрих I даврида қироллик учун жанг қилишни истамаган одамларга солинган ва 300 йил амалда бўлиб келган. Бу солиқ яна ҳарбий хизматдан озод этилиш солиғи деб ҳам аталган. Кейинчалик у ҳарбийлардан олинадиган бошқа солиққа алмаштирилган.

XX аср бошларида Олтой ўлкасида музлаган ***сув ҳавзасини тешиб кир чайганлик учун*** қиш давомида 20 танга олинган. Шунингдек, идишга бир марта сув олиш учун 2 тангадан солиқ тўланган.

XX асрнинг охирларида Венецияда ***сояга солиқ*** жорий этилди. Унга кўра, бостирма соябонлари шаҳар ерларига соя ташлайдиган муассасалар эгалари давлатга пул тўлаши керак бўлган.

Биласизми, ҳатто XXI асрда ҳам айрим давлатларда бундай бемаъни солиқлар пайдо бўлиб қолмоқда. Масалан, 2003 йилда Янги Зеландияда ***сигирлар*** чиқарадиган метан газига солиқ жорий этилди. Бу Киото баённомасига қўшилиш учун қабул қилинган эди. Аммо кўп сонли аҳолининг эътирози туфайли ҳукумат сигирларни солиққа тортиш фикридан қайтди.

Интернет маълумотлари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси Гулноза МИРЗАЕВА тайёрлади

Табиат ва биз

Рўпарамизда поёнсиз, Айдаркўлнинг бир бўлаги бўлган Тузкон кўли ястаниб ётибди. Қушлар сайроғи олис-олисларгача садо беради. Бу қушларни йил фасларига қараб ўтроқ ёки кўчманчиларга ажратиш мумкин. Қорабузов, қашқалдоқ, қирғовул, оқ чарлоқ (чайка) каби қушлар кўпроқ кўзга ташланади. Улар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

ҚАШҚАЛДОҚ

Қашқалдоқ товуқдан сал кичикроқ, оёқлари пардали бўлганлигидан сувда яхши сузади. Пешона ва тумшуғи оқ. Ўлкамизда муқим яшайди. Кўл қирғоғи бўйидаги ўсимликлар билан озиқланади. Сув ва қуруқликда учрайдиган ҳашаротларни, балиқ ва молюскаларни тутиб, етарли ёғ захирасини тўплаш учун тиниб-тинчимайди. Улар оёқларини силкитиб, қўлнинг нариги қирғоғига бемалол сузиб ўта олади. Овқатлангандан сўнг қамишзор орасидан қўним топишади.

Чаққон ва зийрак қуш қуруқ қўға ва қалин қамишзорлардаги сув ҳавзаларига, баъзан сувли очиқ жойларга уя қўяди. У инини ўргимчак тўри мисол тўқийди. Уянинг бир ёки икки томонидан «супача» чиққан бўлади. Улар қуриши учун узун ўсимлик пояларининг бир учи уяга мустаҳкамланса, иккинчи учи сувга тушиб туради. Бу анча меҳнат талаб этади, албатта. Ҳаво исий бошлагач, ўнтагача тухум қўяди. Тухумлари кулранг-қизғиш бўлиб, тўқ жигарранг холлар ва майда-майда доғлар билан қопланган.

Ҳеч бир жонзот учун насл қолдириш осон кечмайди. Кўл табиати мўътадил. Эрта баҳорда сув қўпайиб, қирғоқларга чиқиб кетади. Сув чекинганда эса қамишзорлар кўриниб қолади.

Бу ерда кундан-кун ҳаёт гуркирайди. Лекин ҳамиша эҳтиёткорлик шарт. Ҳавода душман кўланкаси кўриниши ёки шубҳали товуш эшитилиб қолиши мумкин. Лекин теварак-атрофда осойишталик. Шунинг учун она қашқалдоқ ғағиллаганча полапонлари билан қамишзордан чиқиб, кўл ўртасига сузиб кетади.

Бир куни ишдан қайтар эканман, баланд қайрағочни ўраб олиб, унга тош отаётган бир нечта болаларни кўриб қолдим. Яқинроқ бориб қарасам, дарахт шохида товуқдек келадиган қора қуш. Бирдан у пастга учиб тушди. Кейин ерга қўниб, ёғоч тўсин орасидан ўтишга ҳаракат қилди. Мен қушнинг саросималаниб қолганидан фойдаланиб, уни тутиб олдим. Панжалари ва пешонасидаги оқ нишонасини кўриб, шунгача фақат расмларда кўрган бўлсам ҳам қашқалдоқ эканлигини дарров билдим. Кўпчилик бўлиб уни қутига жойладик ва устини шиша ойна билан беркитиб

қўйдик. Эртаси куни болалар менинг маслаҳатим билан қушни мактабдаги «Тирик бурчак»ка совға қилишди.

Қашқалдоқлар ботқоқлик жойлар ва ҳавза бўйларида учрайди. Улар экологик барқарорликни таъминлайди. Чаққон ва эпчил бўлганликлари учун йирик қушлар уларга камдан-кам ҳолларда ҳужум қилади. Шимол кенгликларида яшайдиган қашқалдоқлар баҳорда ўлкамизга кўпайиш учун учиб келади.

Абдулла САИДОВ

Саёҳат

Қадимий ва навқирон Бухоронинг маҳобатли минора-ю мадрасалари асрлардан садо беради. Шу боис шариф шаҳарга саёҳат қилиш кўпчиликнинг орзуси.

ИФТИХОР ТУЙИБ

Яқинда касаба уюшмаси ташаббуси билан хатирчилик бир гуруҳ таълим, фан ва маданият ходимларининг Бухоро шаҳрига саёҳати уюштирилди. 55 нафар саёҳатчи дастлаб Абдухолиқ Ғиждувоний мақбарасини зиёрат қилишди. Сўнгра Арк, Минораи калон, Чор бакир, Ситораи Моҳи Хосада бўлишди. Айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси катта таассурот қолдирди.

Галдаги сафар Сурхондарё вилоятига уюштирилади.

Турдиназар ЖЎРАЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси

Руҳшунос тавсияси

ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Мукаммалликка интилган инсоннинг қалби маънавият ва бахт учун энг мўътабар манзилдир. Фақат касбий фаолиятимиз бу борада муҳим аҳамиятга эга эканлигини доимо ёдда сақлашимиз керак бўлади. Яхши ходим номини олган киши ота-оналик, фарзандлик, жуфти ҳалоллик мақомини ҳам ижобий бўёқларга бўяй олади. Бу мартабага эришиш учун эса ўз устингизда ишлаш, бу борада руҳшунослар тавсия этган қуйидаги тавсияларга амал қилиш кифоя:

* Бугун кечагидан ҳам яхшироқ бўлинг.
* Сизни илҳомлантирадиган юмушларнигина бажаринг.
* Олдингизда турган муаммога эътиборингизнинг 10 фоизини қаратинг, шунда уни ҳал этишнинг 90 фоизлик имконияти пайдо бўлади.
* Ўз мажбуриятларингизни энг юқори даражада бажаришга одатланинг.
* Ўзгалар томонидан эътироф кутаётган кишиларни эътиборсиз қолдирманг.
* Ўз касбингиз устаси бўлишни истасангиз, ҳеч қачон изланишдан тўхтаманг.
* Астойдил, сабру матонат билан ишланг, ҳеч қачон баҳона қидиришга ёхуд ўзингизни оқлашга интилманг.
* Тушкунликдан сўнг тезда ўзингизни тиклашни ўрганинг.
* Ваъда бердингизми, бажаринг.
* Олиҳиммат, мард бўлинг, айниқса, оғир вазиятларда.
* Керакли натижани қўлга киритишда ҳамиша тоқатли бўлинг.
* Ҳар куни жисмоний ва руҳий қувватингизни тиклашга вақт ажратинг.
* Уйингизда ўзингиз учун шинам муҳит яратинг.
* Спорт билан мунтазам шуғулланинг.
* Атрофингиздагиларни кечагидан-да аъло бўлишга илҳомлантиринг.

Сиз буни эплайсиз. Зеро, яхши ҳаёт ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

Дилдора МИРЗАКАРИМ қизи

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
9 772010 500009

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19.00
Topshirildi - 19.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 1 345